

АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ЖАРАЁНИНИНГ МОХИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимова Шахноза Анваровна

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги

*Тошкент ахборот технологиялари университети доценти в.б.
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Ушбу мақолада ахборот, ахборот алмашинуви, мулоқот ва коммуникация тушунчаларига илмий ёндашилган бўлиб, жамият ҳаётида ахборот алмашинуви жараёнларининг мохияти ва хусусиятлари таҳлил қилинган

Калит сўзлар: ахборот, ахборот алмашинуви, мулоқот, коммуникация, ўзаро таъсир

СУЩНОСТЬ И ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОЦЕССА ИНФОРМАЦИОННОГО ОБМЕНА

Рахимова Шахноза Анваровна

*И.о. доцента, доктор философии (PhD) по социологическим наукам
Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада
аль-Хорезми*

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятия информации, информационного обмена, диалога и коммуникации, анализируются сущность и особенности процессов информационного обмена в жизни общества

Ключевые слова: информация, информационный обмен, коммуникация, коммуникация, взаимодействие.

ESSENCE AND CHARACTERISTICS OF THE PROCESS OF INFORMATION EXCHANGE

Rakhimova Shakhnoza Anvarovna

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Sociological Sciences, Tashkent
University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi*

Abstract: This article discusses the concepts of information, information exchange, dialogue and communication, analyzes the essence and features of the processes of information exchange in society

Keywords: information, information exchange, communication, communication, interaction

Ҳозирги замон ахборот-техник тараққиёти шахс, жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятига борган сари таъсири кучайиб бориши билан белгиланади. Ахборот

соҳаси, яъни ахборотлар мажмуаси, маълумот ва ахборотни йиғувчи, тарқатувчи воситалардан иборат тизим, шак-шубҳасиз ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ва йўналтирувчи муҳим тармоқ саналади. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва уларни инсон ҳаёти фаолиятининг ҳар қандай соҳасига жалб этилиши дунё ҳамжамияти ҳаётидаги роли ортиб бормоқда. 1986 йилга келиб Интернетнинг воқелигимизда барқарор ўринга эга бўлиши [1] ахборот ва ахборотлаштириш борасидаги қолаверса бутун инсоният ҳаётида оламшумул воқеага айланди.

«Ахборот»[2] (хабар, маълумот), замонавий фан ва техниканинг, фалсафа ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, бир субъектдан иккинчисига турли шакл (оғзаки, ёзма, электрон ва бошқа)ларда узатиладиган маълумотни англатади. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунинг 3-моддасида ахборот бу – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар дея таъриф берилган [3].

Норберт Винер, ахборотни жисмоний ўзгарувчи миқдор сифатида қабул қилишни биринчи бўлиб таклиф этган эди. Унингча [4], жонли табиат, жамият ва машиналардаги барча бошқарув ва алоқа жараёнларига ахборот узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари сифатида қаралади. Аммо бу жараёнда алоқанинг мазмуни ахборот қай шаклда (ёзма, оғзаки, рус, инглиз ёки бошқа тилларда, имо-ишора, шартли сигнал ва ҳоказолар билан) берилганига боғлиқ бўлмайди.

Р.Хартли техник алоқа каналлари бўйлаб тарқатилувчи маълумотларнинг миқдорий мезонини белгилаш учун 1928 йилда биринчи марта илмий муомалага киритган бўлса-да, лекин бу атамага 1948 йилдан жиддий эътибор қаратила бошланган эди. XX асрнинг 60-йилларидаги кўп тадқиқотлар ахборотни қидириш муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, айти шу даврда ахборотларни қидириш тизими ва усуллари яратилди. Кибернетиканинг ривожланиши ва ахборот назарияси фанининг майдонга келиши бу соҳанинг беҳад ривожланишига олиб келди.

Г.Гаффарованинг таъкидлашича, “охирги йилларда адабиётларда объектив борлиқда мавжуд ахборот модели ғояси муҳокама қилинмоқда. Хусусан, жонсиз табиатдаги ривожланиш масаласига ёндашувни ундаги ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларига нисбатан қандай қўллаш мумкинлигига боғлиқ. Ушбу қарашларга мувофиқ, ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларида алоҳида ахборот тузилмалари – кодлар мавжуд.”[6] Бу кодлар “тизим учун қимматли ахборотни қайд қилади, унинг таркибий қисми бўлиб майдонга чиқади ҳамда муҳит билан ўзаро алоқадорлиги ва унинг яхлит ҳолати сифатида қайта тикланишнинг йўллари аниқлайди

Замонавий ижтимоий фанлар вакиллари бу каби ахборот тузилмалари ва унинг вазифаларини жонли ва ижтимоий тизимларга мувофиқ равишда босқичма-босқич таърифлаб келмоқдалар. Бу биологик организмларда генетик аппарат орқали, ижтимоий организмларда эса маданият орқали содир бўлади.

Баён қилинган фикрлардан туғиладиган хулоса шуки, «ахборот» тушунчаси ўзининг узоқ тарихи ва кўп қиррали маъносига эга. Ижтимоий ҳаётга татбиқан олганда ахборот – инсонлар, предметлар, фактлар, ҳодисалар ва бошқа жараёнлар ҳақидаги маълумотни англатади. «Ахборот» тушунчасига оид таҳлиллардан келиб чиқиб, ахборот жамият учун фақат мулоқот предмети эмас, балки инсонлараро мулоқотда ахборот алмашинувига таъсир кўрсатадиган объектив омил, дея хулоса қилиш мумкин.

Ахборот бу – хабар, маълумот. Аммо жамиятда ахборот алмашинувининг бутун механизмини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назаридан тушуниш учун «ахборот»нинг бундай талқини етарли эмас. Гарчи кейинчалик биз «ахборот» тушунчасини «тор» талқин қилинишига яна мурожаат этамиз, аммо ҳозирда «хабарлар»нинг ўзига хосликлари ва хусусий томонларидан қочиб, ахборотнинг барча умумий хусусиятарини, ахборот алмашинуви жараёнининг ҳодиса сифатидаги моҳиятини тадқиқ этиш мақсадида ҳар қандай жараён учун типик бўлган жиҳатларга эътиборни қаратамиз.

Ахборотнинг моҳияти – хабар белгиларида эмас, балки ахборот алмашинуви иштирокчиларининг ташкилий тайёргарлиги даражасига ҳам боғлиқдир. Ахборот алмашинуви эса иштирокчиларнинг ташкилий жиҳатдан турли-туманлиги, тузилмаларнинг тартибий фарқларидан келиб чиқади. Албатта, бу ҳол ахборот алмашинув жараёни иштирокчиларини максимал даражада уйғунлашган тизимлар сифатида қараш асосида юзага келади.

Ахборот алмашинувига тизим сифатида ёндашиш илмий адабиётларда муайян даражада тадқиқ этилган. Бунга В.Г.Афанасьев, В.С.Тюхтин, А.Д.Урсула ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ишлар муаммолар асосан тизимли (тузилмавий-функционал) таҳлил усулида таҳлил этилган. Тизимли ёндашувнинг бундай усули фалсафа, психология, юриспруденция, матбуот назарияси, иқтисодиёт ва педагогика бўйича адабиётлардаги илмий ишларга хосдир. Бинобарин, ахборот алмашинув ҳодисасини тадқиқ этишда социология фани олимлари тизимли ёндашув усулига мустаҳкам таянганлари бежиз эмасдир.

Олимлар томонидан узатиладиган ва қабул қилинаётган ахборотнинг ташкил этилганлик, тартибга солинганлик билан (шунга мос равишда ахборот алмашишнинг тизимлар ташкил этилганлиги билан) детерминант алоқасидан келиб чиққан ҳолда ушбу чизиқлар кесишган барча нуқтани аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзида «ташкиллаштириш кучи» мужассам бўлган ахборот айна вақтда қабул қилувчи тизимни (реципиентни) тартибга солиб, унинг тузилмасида мантиқий ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида,

тизимнинг янги функцияси пайдо бўлишига олиб келади, яъни реципиент «жавоб беради», «муносабат билдиради» бир сўз билан айтганда ахборот алмашинув жараёнини юзага келтиради. Ахборот алмашинуви ва унинг бошқа фундаментал жараёнлар билан алоқалари модели тизим ясовчи элементларни ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, ахборот алмашинувда иштирок этувчи тизимлардан ҳар бирининг тартиби ўзгариши ўзаро тақозодорлик асосида, яъни уларнинг биргаликда ташкил этилиши билан ўзига хос уникал жараён содир бўлади. Аммо биргаликда ташкил этилиш, тартибга солиш жараёни одатда тизимларнинг ўзаро доимий таъсири оқибатида кечади. Ушбу ўзаро таъсир жараёнида тизимларнинг ҳар бири бошқа тизимларнинг ички мутаносиблиги ва интенсивлигига боғлиқ равишда ўзгаради.

Мулоқот маълум жиҳатдан ахборот алмашинувнинг ўзига хос тури бўлар экан, у биринчидан, ҳар қандай ҳолатда ижтимоий ўзаро таъсирнинг ахборот механизми бўлиб хизмат қилади, иккинчидан, ижтимоий акс эттириш хусусияти туфайли ҳаракат қилиб, учинчидан, ахборот алмашинув натижасида мулоқот иштирокчиларининг муайян даражада биргаликда ташкилланишларига олиб келади, деб таъкидлаш мумкин. Бу фикрга ахборот ҳамиша ҳам фақатгина хабар эмас, балки ўзаро таъсир этувчи тизимларнинг ташкил этилганлик (тартибга солинганлик) нисбати эканлигини қўшсак, жамиятдаги ҳар қандай ахборот алмашинуви фактида жамият ҳаётининг ўрганилаётган қисмига нисбатан у ёки бу ижтимоий муносабат мавжудлигини ёхуд у ёки бу ижтимоий муносабатлар ўзгарганини (такомиллашганини) кўриш мумкин.

Ахборот алмашинуви жараёнининг хусусиятлари ҳақида сўз кетар экан, белорусиялик мутахассислар Г.В.Булацкий ва Ю.Д.Прилюкларнинг бу ҳақда берган таснифлари ўзининг қамрови ва теранлиги билан алоҳида ажралиб туради

Ахборот алмашинуви қанчалик муҳим ва ўзича мустақил ҳодиса бўлиб туюлмасин, бари бир у ҳамиша ўзаро таъсир кўрсатиш механизми бўлиб қолаверади. Буни ижтимоий ўзаро таъсирга нисбатан оладиган бўлсак, ҳар қандай ахборот алмашинуви кишилар, жамоалар ёки ижтимоий гуруҳларни маънавий, интеллектуал такомиллаштириш механизми сифатида ҳам намоён бўлади.

Ахборот алмашинувининг регулятив функцияси мавжудлигини унинг асосий хусусиятларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида мулоқотга киришувчилар ўртасида, айтайлик, маърифий функция ишга тушса, онг, билим ва дунёқарашни мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириб бориш жараёни тартибга солинади. [7,-Б. 6480-6487].

Ахборот алмашинувининг ўзаро муносабатни долзарблаштириш хусусияти ҳам мавжуд. Маълумки, муносабат – ўзаро таъсирнинг шарти, аломатидир. Мулоқот вақтида иштирокчилар алмашинаётган ахборотлар, уларнинг ўзига

хос ифодаланиши оқибатида индивидлар ўртасида ҳам, ижтимоий гуруҳлар ўртасида муносабатлар ўзгариши, ривожланиши ёхуд сусайиши мумкин.

Бизнингча, «ахборот алмашинуви» тушунчасининг тизимли таҳлили бу ҳодисанинг характерли хусусиятлари, унинг ўзаро таъсир, акс эттириш, ташкиллаштириш ва фикр қарашни ўзгаришидан иборат тизим, шунингдек жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Ахборот алмашинувининг муҳим воситаси ва механизми бўлган «мулоқот» ва «коммуникация» тушунчаларини таҳлил қилсак, мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таъриф бериш осон эмас. Шунинг учун одатда “мулоқот” тушунчасининг мазмуни унинг айрим томонларига урғу бериш орқали очиб берилади.

Социология бўйича нашр этилган энциклопедик луғатда ахборот алмашишга йўналтирилган мулоқотга қуйидагича таъриф берилади: Мулоқот инсоннинг бошқа кишилар билан алоқага киришиш эҳтиёжини қондириш учун индивидлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасида бевосита фаолиятлар, билимлар, малакалар, тажрибалар, ахборотлар алмашинувидаги ўзаро таъсир. [8,-Б. 1363-1367] жараёнини ифода этади. Демак, мулоқот икки ва ундан ортиқ кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш эҳтиёжини қондиришга қаратилган ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бунда ахборотлар алмашилади, муносабатлар ўрнатилади ва ривожлантирилади.

“Мулоқот” тушунчасини “коммуникация” тушунчасидан фарқлаш лозим. Коммуникация жонли ва жонсиз табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Мулоқот фақат инсонлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин. Инсон ёшлиқдан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида ижтимоийлашиб, шахсга айланиб боради. Мулоқот туфайли инсон ижтимоий тажриба ва миллий ва умуминсоний маданиятни эгаллайди. [9,-Б. 1373-1377].

Мулоқот – бу биринчи навбатда ахборотни қабул қилиш, саралаш, сақлаш, узатиш ва бошқаришдан иборат кўп қиррали ижтимоий жараёндир. Ахборот жараёнлари бутун жамият организмининг қуршаб олиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, ҳатто, энг кичик қисмида ҳам мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Демак, ижтимоий ахборот асосий турлари ичида ахборот алмашинувидан иборат мулоқот тури устунлик қилади. Инсонлар мулоқотининг чуқур ижтимоий детерминацияси ҳаёт фаолияти ва, умуман олганда, бутун жамият ривожланиши учун ахборот алмашинувининг ўрни қанчалик муҳимлигидан далолат беради.

«Коммуникация» атамаси фанга XX асрнинг бошида кириб келган. «Коммуникация» латинча communicatio, communico сўзларидан келиб чиққан бўлиб, боғлайман, мулоқот қиламан маъноларини англатади. Ижтимоий фанларда коммуникация биргаликда ҳаракат қилиш, ўзаро таъсир ҳақидаги

илмий билим соҳаси ҳамда ушбу жараёнлар ва уларнинг натижаларини ифодалаш учун қўлланилади. [10,-Б. 445-449].

Қатор қомусий ва изоҳли луғатларда «коммуникация» атамаси «хабар йўли, мулоқот» деб талқин қилинган. Мулоқот назарияси соҳасида таниқли мутахассис Ю.Д.Прилюк тарихий-лингвистик тадқиқотлар асосида ушбу атамаларнинг дастлабки ва ҳозирги маъноларини этимологик ва семантик жиҳатдан бир-бирига яқин, шунинг учун «жамиятда ахборот алмашинуви»ни билдирувчи тушунчалар сифатида улар ўзаро тенгдир, деган тўхтамга келади. Шунга ўхшаш фикрларни Т.Парсонс ва К.Черри каби етакчи хорижий олимлар ҳам билдиришган.

Иккинчи ёндашув «коммуникация» ва «мулоқот» тушунчаларини фарқлаш билан боғлиқ. Атоқли файласуф М.С.Каган фикрича, коммуникация ва мулоқот камида икки жиҳатдан фарқланади. Биринчидан, «мулоқот амалий, моддий ва маънавий ахборот алмашинувидир ва у амалий-маънавий характерга эга, коммуникация эса ... у ёки бу хабарларни узатиш билан боғлиқ соф ахборот жараёнидир» Иккинчидан, улар ўзаро муносабатга киришаётган тизимларнинг алоқа хоссалари бўйича бир-биридан ажралиб туради.

Тасаввур ҳосил бўлиши учун мазкур таърифлардан тўрттасини келтириб ўтамиз: «Коммуникация – бу мураккаб динамик тизимлар ва унинг ахборотни қабул қилиш, тўплаш, ўзгартириш имконига эга қисмлари ўртасида ахборот алмашинувидан» иборат.

Маршал Маклюэн фикрича, коммуникация усулининг алмашиши тарихнинг ривожланиш босқичларини ифода этади. Шунга кўра у инсоният ривожланишининг қуйидаги даврларини ажратган:

- оғзаки коммуникация;
- ёзма коммуникация;
- нашр-коммуникация;
- мультимедиа коммуникацияси;

Мазкур даврлар ўзига ҳос коммуникатив муҳит маданиятини таркиб топтиради. М.Маклюэн илк дафъа коммуникатив муҳит маданияти хусусиятларини белгилаб берди. Унинг фикрича, замонавий маданият мазмунан визуал, XIX аср охири XX аср бошидаги маданият эса асосан ёзма бўлган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда социомаданий коммуникация – бу умумэътироф қилинган тушунчаларда асосланган, коммунтаторлар ўзаро муносабатлари мазмуни ҳамда уларнинг ижтимоий муҳити билан шартланган хабарларни алмашиш бўйича икки томонлама жараён.

Коммуникация муаммоларини нафақат гуманитар балки табиий ва техник фанлар вакиллари томонидан кенг тадқиқ қилинмоқда. Фақат инсонлараро эмас, балки компьютерлараро, «инсон-машина» ва алоқа тизимларида ахборот алмашинувини ўрганувчи фанларнинг вакиллари – кибернетиклар, биологлар, этологлар, семиотиклар ахборот алмашинувини “коммуникация” деб атайдилар.

Шунингдек, XX асрнинг 60-йилларида америкалик социологлар Лазарсфельд, Липпман, Лассуэлл, Мертон, Маклюэн ва ҳ.к. ўз тадқиқотларида «оммавий коммуникация» атамасини ҳам қўллай бошладилар.

Шу тариқа коммуникация назарияси мустақил фан сифатида шаклланиб бориб, ўзининг предмети, категориялар аппарати, ўз қонуни ва тарихига эга бўлди. У фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик иқтисодиёт ва бошқа фанлар бўйича тадқиқотларнинг натижаларини ўзида мужассам қилган илмий билимнинг комплекс соҳаси ҳисобланади. Коммуникация назарияси ахборот алмашинувининг универсал механизмлари ва қонуниятларини ўрганади. Шунингдек, унинг оммавий коммуникация назарияси, шахслараро коммуникация назарияси каби тармоқлари ҳам мавжуд.

М.Вебер, Г.Гадамер, Г.Шпетлер илгари сурган коммуникация моделида коммуникациянинг асосий натижаси бу инсоннинг бошқа инсон томонидан тушунилиши, ўзаро тушуниш деб аталади.

Ахборот жамияти назарияси вакиллари эса Д.Белл, А.Тоффлер, М.Маклюэн коммуникацияга футурологик ёндашадилар. Ушбу назарияда коммуникация воситалари ягона рағбатлантириш ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи тарзида талқин қилинади. Ахборот бу ҳолда маданият ва барча маданий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ахборот алмашинуви коммуникациянинг ҳам, мулоқотнинг ҳам марказий хусусияти эканлиги туфайли бу категорияларни тушунтириш, изоҳлаш борасида, табиий равишда, хилма-хилликлар келиб чиқди ва бир қатор ёндашувлар пайдо бўлди.

Коммуникация субъект-объект алоқаси бўлиб, унда субъект маълум ахборотни узатади, объект эса ахборотнинг пассив қабул қилувчи сифатида намоён бўлади, унинг вазифаси ахборотни қабул қилиш, тушуниш, яхши англаш ва шу ахборотни инобатга олиб, ҳаракатланишдан иборат. Шундай қилиб, М.С.Каган фикрича, коммуникация бир томонга йўналтирилган жараён дир

Мулоқот эса, аксинча, субъект-субъект алоқаси бўлиб, унда «хабарлар жўнатувчиси ва қабул қилувчилар йўқ, балки суҳбатдошлар, умумий фаолият иштирокчилари бор». Мулоқотда ахборот шериклар ўртасида ҳаракатланади, демак, мулоқот жараёни коммуникациядан фарқли равишда икки томонлама йўналтирилганлик характерига эга.

Йирик психолог олим Г.М.Андреевнинг фикрича, мулоқотни коммуникацияга қараганда кенгроқ категория сифатида талқин этиб, мулоқот тузилмасида учта яъни сўз, нутқ, матндан иборат ўзаро боғланган жиҳатларни ажратишни таклиф қилади[11].

А.В.Соколов мулоқот коммуникатив фаолиятнинг шаклларида бири, бу шакллар коммуникацияга киришаётган шерикларнинг мақсадларига қараб бир-биридан фарқланади, дея мазкур фикрга қарши чиқади[12].

Ваҳоланки, ахборот жараёнлари жамият организмини, барча ижтимоий тизимости элементларини қамраб олади ва ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, ҳатто, энг кичик қисмида ҳам мавжуд, бунинг устига, улар ҳамиша ҳам сўз, нутқ ёки матн шаклида бўлмаслиги мумкин.

Никлас Луман ўзининг машҳур «фақатгина коммуникация коммуникацияни амалга ошириши мумкин»[13] деган фикрини билдирганда коммуникация рўёбга чиқиши учун айна вақтнинг ўзида *ахборот*, уни *узатиш* (еткизиш) ва уни *тушуниш* (ёки тушунмаслик) жараёни бирданига кечиши кераклигини кўзда тутди. Шу уч бирликдан биронтаси мавжуд бўлмаса коммуникация рўй бермайди, демакки, социал ҳаракат ҳам амалга ошмайди. Бундан кўринадики, Луман назариясида кўзда тутилган ахборот алмашинуви жараёни биз муҳокама қилаётган коммуникациядан кўра мулоқот феноменининг функцияларини кўпроқ ифодалайди.

Юқоридагилардан кўринадики, ижтимоий муносабатларни амалга ошириш, ахборот алмашинуви, ўзаро таъсир жараёнларида муҳим восита бўлган мулоқот ва коммуникация категориялари ўта мураккаб ва кўп қиррали тушунчалардир. [14]

Шундай қилиб, жамиятнинг ҳаётий фаолиятида ва шахслараро муносабатларда ахборот алмашинуви ўзаро таъсирнинг, биргаликдаги ҳаракатларнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади. Инсон тараққиёти ҳам, пировардида жамият тараққиёти ҳам ўзаро ахборот алмашинуви жараёнларининг қай даражада самарали ташкил этилиши ва кечишига боғлиқ. Бу жараёнларда мулоқот ва коммуникация, ҳеч шубҳасиз, асосий робита ўзига хос боғловчи кўприк вазифасини бажаради.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Чернов А.А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы. –М.: Дашков и К, 2003. – С.13
 2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»Давлат илмий нашриёти, 2006.– Б.119–120.
 3. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // 2002 йил 12 декабрь, 439-II-сон
 4. Винер Н. Человек управляющий. – СПб: Питер, 2001. – С.24.
 5. Гаффарова Г.Ф. Ахборот ва ахборотлаштириш жараёнларининг фалсафий-методологик муаммолари: Фалс. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – Б.25.
 6. Степин В.С. Саморазвивающиеся системы и постнеклассическая рациональность // Вопросы философии. – Москва, 2003. – №8, – С.12.
 7. Kadirova Yakitjan Buvabaevna, Kadirova Khalima Buvabaevna.
- [METHODOLOGICAL BASIS OF DEVELOPMENT OF LEGAL IMMUNITY OF STUDENTS](#)

ON THE BASIS OF A SUBJECT-ETHICAL APPROACH. Journal of Pharmaceutical
Negative Results. 2022/12/23. Pp.6480-6487.
DOI: <https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S09.771>

8. Kadirova Khalima Buvabaevna. PRESERVATION OF LANGUAGE, HISTORY AND NATIONAL IDENTITY IN THE AGE OF GLOBALISM //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В7 227. – Pp 1363-1367

9. Y Kadirova. ENSURING NATIONAL SPIRITUAL SECURITY UNDER GLOBALIZATION//Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В7. – Б. 1373-1377

10. Ya Kadirova, Sh Komilova. THE ROLE OF THE PROBLEMS OF THE MEDIA FIELD IN GLOBALIZATION PERIOD//Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. В1. – 445-449

11. *Андреева, Г. М.* Социальная психология: Учеб. для высш. шк. - М.: Аспект-Пресс, 1999. - 375 с

12. Соколов, А.В. Защита информации в распределенных корпоративных сетях и системах / А.В. Соколов, В.Ф. Шаньгин. - М.: ДМК Пресс, 2017. – 656 с.

13. Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории / Пер. с нем. И.Д. Газиева; под ред. и со вступ. ст. Н. А. Головина. СПб.: Наука, 2007.-С.54

14. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1

15. Kadirova Khalima Buvabaevna, Turgunova Ozoda. THE ROLE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGY IN THE DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN//Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. В2. – Pp. 447-450

16. Каган М.С. Мир общения. М., 1988. С. 143-146.

17. *Андреева, Г. М.* Социальная психология: Учеб. для высш. шк. - М.: Аспект-Пресс, 1999. - 375 с

18. Соколов, А.В. Защита информации в распределенных корпоративных сетях и системах / А.В. Соколов, В.Ф. Шаньгин. - М.: ДМК Пресс, 2017. – 656 с.

19. Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории / Пер. с нем. И.Д. Газиева; под ред. и со вступ. ст. Н. А. Головина. СПб.: Наука, 2007.-С.54